# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 8 июнь, № 112 (5532) Жума


## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5-7 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.**




Хитойга ташриф асносида Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-мажлисида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида олий даражадаги Ўзбекистон — Хитой мулоқоти устувор аҳамият касб этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, яъни икки мамлакат давлат мадҳиялари янграб, фахрий қоровул ҳарбий ҳурмат бажо келтирганидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашув ва музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ху Цзиньтао қадрдон дўсти — Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан бахтиёр эканини таъкидлади. Хитой ва Ўзбекистон, деб қайд этди у, биргаликда муҳим тарихий воқеани, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонламоқда. Ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этади. Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама муносабатларга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича батафсил фикр алмашишга тайёрлик изҳор этилди.

Ушбу ташриф, ҳеч муболағасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унинг асносида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган йигирма йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг натижалари сарҳисоб қилинди.

Давлат раҳбарлари томонидан Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Дунёнинг қудратли мамлакатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришдан манфаатдор эканини билдирди.

Мазкур давлатлараро ғоят муҳим ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш учун икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари узоқ ва самарали иш олиб борди.

Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияда баён этилган қоидаларни самарали амалга ошириш давлатларимизнинг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос келади ҳамда Марказий Осиё минтақасида барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасига қадимий тарих ва ноёб маданиятга, улкан салоҳиятга эга бўлган буюк қўшни, жаҳон иқтисодиёти ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳақли равишда етакчи ўрин тутадиган мамлакат сифатида қаралади.

Мамлакатларимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб долзарб, кечиктириб бўлмайдиган масалаларга қарашлари ва уларни ечишга ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Хитой томони Хитой раҳбариятининг ҳар томонлама пухта ўйланган ва ўзгармас сиёсий йўли, унинг ягона Хитой, жумладан, Тайвань ва Тибет бўйича принципиал сиёсати, "уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва айирмачилик"ка қарши олиб бораётган муросасиз кураши Ўзбекистон томонидан қатъий ва изчил қўллаб-қувватлаб келинаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Хитой раҳбари томонидан Ўзбекистон — Хитой муносабатларини барқарор ва соғлом ривожлантириш жараёнидаги ижобий тенденцияларни изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат барча даражалардаги фаол мулоқотларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда, ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланмоқда. Кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг қирқ барабардан зиёд ошгани унинг жадал ўсаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон раҳбарининг кўп асрлик тарихга эга бўлган дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган буюк ҳиссасига юксак баҳо берар экан, ХХР Раиси Ўзбекистон юритаётган ички ва ташқи сиёсатни қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади, шунингдек, мамлакатимизнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувларга қарши эканини қайд этди.

Ху Цзиньтао икки томонлама ҳамкорликнинг барча жиҳатларини амалга ошириш бўйича ўз таклифларини баён этди.

Биринчидан, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ҳамкор томон танлаган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорликда ва ўзаро келишган ҳолда иш юритиш.

Иккинчидан, ишбилармонлар ҳамкорлигини, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, нохом ашё ва юқори технологиялар соҳаларига оид ҳамкорлик режаси ижросини жадаллаштириш, биргаликда махсус иқтисодий зоналар ҳамда иқтисодий ва технологик ривожланиш зоналарини барпо этиш, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Учинчидан, хавфсизлик соҳасида, "уч ёвуз куч", контрабанда ҳамда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, икки томонлама ташрифлар ва мулоқотларни, айниқса мамлакатларимиз ёшлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро англашув ва дўстлик асосларини чуқурлаштириш.

Ўзаро ҳамкорликнинг бутун минтақа манфаатларига мос келадиган асосий йўналишларидан бири — транспорт-коммуникация алоқаларини янада ривожлантиришдир. Шу нуқтаи назардан, томонлар "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" йўналиши бўйича темир йўл қурилиши лойиҳаси тезроқ амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу йўл ХХРдан Ўрта ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа транспорт маршрути юзага келишини таъминлайди.

Томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзолanganини мамнуният билан таъкидладилар.

"Биз доимо Ўзбекистоннинг содиқ дўсти ва ишончли ҳамкори бўлиб қоламиз", деди ХХР раҳбари учрашув якунида.

Президент Ислом Каримов ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао билан учрашиб, музокара ўтказди.

Хитой ҳукумати раҳбари Хитой Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақил тараққиётини қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

ХХР Давлат кенгаши Раиси икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган Ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибидаги турли йўналишлар бўйича олти қуйи қўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Нефть-газ ва нефть кимёси, кимё, тоғ-кон саноатида, транспорт ва логистика, машинасозлик, телекоммуникациялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлоқ экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва ХХР "Ўзбекистон — Хитой" газ қувурини барпо этиш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу лойиҳа ХХРга узоқ муддатли асосда табиий газ етказиб бериш учун барқарор транзит йўлагини шакллантириш имконини беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро ташувларни ташкил этиш соҳасида муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 июлидан Навоий авиахаби ва Хитойнинг Тяньжин авиация хаби ўртасида юк ташиш йўналиши очилади, парвозлар ҳафтасига 3 марта амалга оширилади. Шунингдек, яқин вақтда "Навоий" аэропорти билан Хитойнинг йирик саноат марказлари — Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарлари ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади, Урумчи — Тошкент йўловчи авиарейси очилади. Томонлар, шунингдек, Марказий Осиёдан Хитойга газ етказиб бериш қувватларини ошириш бўйича ҳам келишувга эришдилар.

Эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, Хитойдаги етакчи компанияларнинг Ўзбекистонда Юксак технологиялар саноат паркини ташкил этишдаги иштироки масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, аввалambор, сармоявий, савдо-иқтисодий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш бўйича Ўзбекистон — Хитой мулоқотини янги босқичга кўтариш йўлида муҳим амалий қадам қўйилди.

Имзоланган ҳужжатлар углеводород хом ашёсини қазиб олиш, транспортировка қилиш ва қайта ишлаш, жаҳон бозорида талаб катта бўлган янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида янги, кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади. Шунингдек, электроника ва электротехника, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби юқори технологияли соҳаларда қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилган.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини оширишдан манфаатдор эканликларини яна бир бор таъкидладилар. Хитойга узоқ муддатли асосда пахта, уран, табиий газ, рангли ва нодир металлар каби стратегик муҳим материалларни етказиб бериш юзасидан келишувларга эришилди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ҳар икки халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар. Илм-фан ва таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда бошқа қатор йўналишларни қамраб олган 2010 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташриф доирасида ХХР олий сиёсий раҳбарияти вакиллари — ХХР Раиси ўринбосари Си Цзиньпин, Давлат кенгаши Раиси ўринбосари Ли Кэцан билан ҳам музокаралар ўтказди. Мазкур учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кенг кўламли алоқаларнинг стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилиши шароитидаги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, икки томонлама муносабатлар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.



Ислом Каримов ўтказилган учрашув ва музокаралар якунида анъанавий меҳмондўстлик ва хитойлик ҳамкорларнинг икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга ғоят очиқлик билан ёндашгани учун миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари "Стратегик ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация замон талаби бўлиб, икки томонлама алоқаларнинг даражаси ва миқёсини тўла акс эттиради, муносабатларни узоқ муддатли истиқболда янада кенгайтириш учун кучли рағбатлантирувчи ва амалий омил бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи чоғида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлисида иштирок этди.

Саммитда минтақадаги ва умуман, жаҳондаги бугунги вазият, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТ фаолияти минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлигини янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ташкилот фаолиятига берилган баҳо ва унга аъзо давлатларнинг амалий ҳамкорлик шаклларини янада такомиллаштириш борасидаги ёндашувлари ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Узоқ муддатли тинчлик қарор топган ва биргаликда ривожланадиган минтақани барпо этиш тўғрисидаги декларациясида ўз ифодасини топган. Унда, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг янги, адолатли ва демократик, кўп қутбли дунё шаклланиши шароитида давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига умумий ёндашувлари, уларнинг жаҳонда тинчлик ҳукмрон яхлит макон ташкил этишга бўлган интилишлари, ўз мамлакатларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, инновацион ва барқарор тараққиёт йўлидан боришга тайёрлиги, умумий тараққиётга ўз мамлакатини ривожлантириш орқали кўмаклашиши, шунингдек, бунинг учун халқаро ҳамкорлик соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўриш масалалари белгиланган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари тасдиқланди. Таъкидландики, ШҲТ минтақавий ҳамкорликнинг институционал асоси йўлга қўйилган, барқарор иш олиб бораётган тузилмавий органларга эга бўлган, очиқлик ва ҳамжиҳатлик асосида фаолият юритаётган ташкилот бўлиб, умумий равнақ ва фаровонлик йўлида аъзо давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таҳдид остида қолдирувчи вазиятларда сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар кўриш ва муносабат билдиришга оид низомнинг янги таҳририни, ШҲТга аъзо давлатларнинг 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дастурини тасдиқладилар. Мазкур ҳужжатлар Ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини кенгайтиради.

ШҲТ Тараққиёт жамғармаси (Махсус ҳисоб) ва ШҲТ Тараққиёт банкини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш юзасидан амалга оширилган ишлар ижобий баҳоланди.

Давлат раҳбарлари Афғонистон Ислом Республикасига ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи, Туркия Республикасига ШҲТ мулоқоти бўйича шерик мақомини бериш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ШҲТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилган, "Яхши қўшничилик ва дўстлик йили" шиори остида ўтган вақт мобайнидаги эришилган натижаларга юксак баҳо берди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда ШҲТ олдида турган муҳим дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилгани қайд этилди.

Хитой томони ХХРнинг ШҲТга раислиги даврида у Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганини юқори баҳолади.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, Ташкилотга навбатдаги раислик Қирғизистон Республикасига ўтди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2013 йилда Қирғизистон Республикасида бўлади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Модернизация

*Маълумки, кўп қаватли уйларнинг томи тўл, яъни битумли рубероид билан қопланади. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, ёзда ҳавонинг исиши рубероиднинг юмшашига, қишда эса нам тортиб, синишига олиб келади. Натижада бир ёки икки йил ўтиб, тўл ёрилади-ю, орасидан сув ўта бошлайди. Бу муаммони эса янги технология асосида замонавий материаллар ишлаб чиқариш билан ҳал этиш мумкин.*



# СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

Пойтахтимизда 2005 йилда иш бошлаган “Gidro Spets Krovlya” масъулияти чекланган жамиятида дастлаб кунига 50 квадрат метр тўл тайёрланарди.

— Бир қарашда, ишимиз ёмон эмас, маҳсулотимизга эҳтиёж бор эди, — дейди мазкур жамият бош директори Константин Хен. — Аммо тўлдан томни бир мавсумда ёпишда фойдаланиларди, холос. Шу боис самарали, наф келтирадиган, чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида ўйлардик. Ниҳоят, бизнинг лойиҳамиз 2009 йилга келиб амалга ошди. Яъни шу йили янги маҳсулот — изоль ва фольгаизоль ишлаб чиқаришга киришдик. Бунинг учун Россиядан замонавий технология харид қилдик. Лекин орадан кўп ўтмай, ушбу маҳсулотлар бизнинг иқлимга мос келмаслиги маълум бўлди. Мутахассисларимизнинг изланишлари туфайли бу муаммонинг ҳам ечими топилди: изоль ва фольгаизоль орасига шишали материалдан ишлов берилди. Эндиликда бизнинг сифатли ва харидорларга ҳар томонлама маъқул бўлган ана шу маҳсулотларимиз фақат том ёпишдагина эмас, балки қурилишда, яъни ер ости каналларини намликдан, пўлат қувурларини чиришдан ва шовқиндан ҳимоя қилувчи материал сифатида ишлатилаяпти.



Корхонада айни пайтда ойига 30 минг квадрат метр шундай маҳсулот тайёрланаётган бўлса, эҳтиёж ҳисобга олиниб, яқин кунларда иккинчи линия ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу — ойига 90 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, яна 14 нафар киши иш билан таъминланади, деганидир.

“Gidro Spets Krovlya” масъулияти чекланган жамияти том ёпиш ва сув ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш бўйича минтақада етакчи эканлиги диққатга сазовордир. Корхона жамоаси ана шу нуфузни сақлаш мақсадида мижозларга юқори даражали хизмат кўрсатиб, замонавий маҳсулотларини таклиф этишга ҳаракат қилаяпти.

— Ҳозирги кунда маҳсулотимиз мамлакатимиздан ташқари хориж давлатларига ҳам сотилмоқда, — дейди К. Хен. — Жамиятимиз мутахассислари, шунингдек, фуқаролар, саноат ва транспорт қурилиши ташкилотлари иншоотларини таъмирлашда жаҳон стандартларига мос янги технологиялардан фойдаланишади.

Компания мутахассисларининг ишлаб чиқаришдаги тажриба ва малакаси бу ерда амалга ошириладиган ишнинг ҳар бир босқичида вақт ҳамда меҳнат сарфини самарали бошқариш имконини бермоқда. Айтайлик, мутахассислар иш режаси тасдиқлангандан сўнг келишилган шартномага қатъий амал қилган ҳолда уни бажаришга киришадилар. Шу билан бирга, улар ҳар бир мижозга алоҳида ёндашиш, шартнома тузилгандан кейин нархларнинг ўзгармаслиги, иншоотни топшириш муддатини назорат қилиш каби муҳим қоидаларни ҳам назардан четда қолдирмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли орасида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ишонч ортиши ва унинг ички бозордаги мавқеи янада мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларидан Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналар, шунингдек, кўплаб қурилиш ташкилотларида унумли фойдаланилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.



Бундан ташқари, “Gidro Spets Krovlya” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларига хориж давлатларидан ҳам кўплаб буюртмалар тушаётгани келгусида корхона фаолияти бундан-да ривожланишидан далолат беради. Қолаверса, корхона Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2012” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларида совринли ўринларга эга бўлгани бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар масъулиятини янада оширди. Бу ишонч ва кенг имконият эса жамият аҳлини юқори самарадорликка эришишга чорламоқда.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**


## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

***Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**1.** 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 166 151 250 сўм.***

**2.** 2011 йил 1 февралдаги 361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Садаф» МЧЖга қарашли бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 653 880 600 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.*

*Лицензия: RR-0052.*

949А/121



## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

***Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар такроран савдога қўйилган:***

2011 йил 2 мартдаги 10-1115/323-сонли ҳамда 2011 йил 24 мартдаги 10-1114/1095-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Ташэлектрэнерготехкомплект» МЧЖга тегишли:

1. «К 180-255 (180МЗ/ч 255) ЦНС» русумли 10 дона насос, бир донасининг бошланғич нархи — 22 604 816 сўм.
2. «К-90/55» русумли бир дона насос, бошланғич нархи — 3 109 259 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 12.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-95-96.**

950А/1192



## ЗАВОД ТТЕМZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:




Под заказ

## АВТОКРАНЫ

**для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах**

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

## КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

**предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий**

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.



Товар сертифицирован

Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ




Товар сертифицирован

## КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

**на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.**

| МОДЕЛЬ | высота подъема люльки | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

## АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

**Объемом $8 м^3$ и $12 м^3$ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.**



Под заказ

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.**
**E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz**

20R/220





## ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



## ТАРОЗИЛАР

**0,0001 гр. дан 250 тоннагача**

**Micros**® Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Акциядорлик жамияти




**ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА**

**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Ҳукумат поликлиникаси бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

681R/920



## СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

836R/566


## ЭЪЛОН

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 6 июндаги 19-03-22-05-O'zR-25-2012-сонли декларациясига мувофиқ, 2012 йилнинг 22 июнидан бошлаб «Навоий КМК» давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган ювиб қуритилган 20,5% $P_2O_5$ Тошқўра фосфоритли концентрати 1 тоннаси нархи ҚҚС билан 83 640 сўм қилиб белгиланди.***

947А/215

“Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси бошқарма бошлиғи Нодир Каттаходжаевга рафиқаси

**Нигорахон КАТТАХОДЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси

**Саидмурод ТИЛЛАХОДЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари Абдурауф Қоржововга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИФТИХОР

*...Дунёда машҳур спортчилар кўп. Аммо битта оиладан мамлакат номини жаҳонга танита оладиган бир нечта машҳур спортчи камдан-кам чиққан. Юртимизда эса бундай оилалар оз эмас. Улардан бири фарғоналик Алишер Мўминов оиласидир. Ушбу муқаддас даргоҳда камолга етган Нафиса, Ҳулкар ва Гулруҳбегим бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг энг кучли шахматчилари ҳисобланишади.*

# Опа-сингил чемпион қизлар

— Бола тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс — дейди Алишер ака. — Шу боис ҳам қизларимнинг спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида эътибор қаратганман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Барпо этилаётган замонавий спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, майдончалар иқтидор эгалари учун ҳақиқий парвоз майдони бўлиб хизмат қилаётир.

— Нафиса тўрт ёшидан шахмат билан шуғулланади, — дейди онаси Қаноат опа. — Унга дона теришни ва дастлабки сабоқларни отаси ўргатган. Ҳозир қизим Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) рейтинги бўйича хотин-қизлар ўртасида мамлакатимизнинг энг кучли шахматчиси ҳисобланади. Унинг муваффақиятлари бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қайд этиш жоизки, Нафиса Ўзбекистон терма жамоаси сафида 2007 йилдан буён турли нуфузли мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида у Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашди, 18 ёшгача қизлар ўртасида Осиё чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди. Шунингдек, “Gurgaon open”, “Parsvnath open” (Ҳиндистон), “Malaysian open” (Малайзия) каби халқаро турнирларда биринчи ўринни эгаллади. Вьетнамда ташкил этилган ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида бронза медали билан тақдирланди.

2010 йилги мавсумда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликка кирди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий беллашувларида кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили эса Нафиса Тошкентда ташкил этилган “Toshkent open” V халқаро шахмат турнири ва I Марказий Осиё кубоги баҳсларида барча рақибаларидан устунлигини намоён этди.

Унинг сингиллари — Ҳулкар ва Гулруҳбегим Тоҳиржоновалар ҳам опасига ҳавас қилиб ёшлигидан ушбу спорт тури билан шуғулланиб келади. Оиладаги спортга бўлган эътибор туфайли улар ҳам муваффақиятларга эришиб, мамлакатимизнинг энг иқтидорли шахматчилари сафидан жой олдилар.

Масалан, Ҳулкарнинг икки нафар жаҳон чемпионини мот қилгани унинг юксак иқтидор соҳибаси эканлигидан далолатдир.

12 ёшли Гулруҳбегим эса ўтган йили ўз тенгқурлари ўртасида Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқиб, ноябрь ойида Бразилиянинг Калдас Новас шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Дунёнинг 80 мамлакатидан минг нафардан зиёд спортчи қатнашган ушбу нуфузли спорт анжуманида у 12 ёшгача бўлган қизлар баҳсида бронза медалига сазовор бўлди.

Эътиборли жиҳати, спортчилар оиласи учун жорий йил ҳам муваффақиятли бошланди. Хусусан, Ҳулкар Тоҳиржонова Халқаро шахмат федерацияси томонидан ФИДЕ устаси, деб топилди. “Тошкент қиши” турнирида у қизлар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди. Ушбу мусобақада иккинчи поғона синглиси Гулруҳбегимга насиб этди. 16 ёшгача бўлган қизлар баҳсида Гулруҳбегим Ўзбекистон чемпиони ҳам бўлди.

Табиийки, булар спортчи қизларнинг сўнгги ғалабалари эмас. Улар ўз олдиларига бундан кейин ҳам нуфузли мусобақаларда юрт байроғини баланд кўтаришни мақсад қилиб қўйишган. Бу эзгу ниятларига эришишларига эса шубҳа йўқ. Чунки мамлакатимизда ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларда истеъдод ва иқтидорларини намойиш қилишлари учун барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

*Бугун Европа чемпионатига старт берилади. 8 июндан 1 июлга қадар давом этадиган мазкур мусобақага икки мамлакат — Украина ва Польша мезбонлик қилишидан хабардорсиз, албатта.*

# «Кўҳна қитъа»да футбол байрами

Европа чемпионати ўйинлар савиясига кўра, иккинчи жаҳон чемпионати деб ҳам юритилади. Шубҳа йўқки, футболнинг юксак даражадаги ижросига бутун дунё, шу жумладан, юртимиз ишқибозлари ҳам катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Ўн тўртинчи маротаба ўтказилаётган ушбу турнир дастлаб Варшавадаги Миллий стадионда Польша — Греция терма жамоаларининг баҳси билан бошланиб, Киевнинг “Олимпийский” стадионида Европанинг иккита энг омадли терма жамоаси иштирокида кечадиган финал учрашуви билан якунига етади. Чемпионатда мезбонлар билан бирга, амалдаги Европа ва жаҳон чемпиони — Испания терма жамоаси, шунингдек, Греция, Россия, Чехия, Нидерландия, Дания, Германия, Португалия, Италия, Ирландия, Хорватия, Франция, Англия ва Швеция сингари 16 та мамлакат вакиллари ғолиблик учун баҳс олиб борадилар. Эътиборлиси, мазкур чемпионат 16 терма жамоа иштирокидаги сўнгги турнир бўлиб, 2016 йилдан бошлаб иштирокчи жамоалар сони 24 тага етказилади.




Қизиқарли ҳамда кескин курашларга бой кечиши тахмин қилинаётган “Евро — 2012” беллашувлари ўзининг “майдонорти томошалари” билан ҳам барчанинг эътиборини жалб қилиб улгурди. Хусусан, иқтисодчи экспертлар мазкур мусобақа жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ҳолдан тойган Европани янада танг аҳволга солиб қўйиши эҳтимолдан холи эмаслигини айтишмоқда.

Шунга қарамай, чемпионат ўйинларини стадиондан томоша қилиш истагидагилар сони бўйича “Евро — 2012” рекорд натижани қайд этишга яқин турибди. “Евро — 2012 Украина” қўмитаси раиси Маркиян Лубкивскийнинг маълум қилишича, бугунги кунга қадар Европа чемпионати баҳсларини майдондан туриб томоша қилиш ниятида жаҳоннинг 209 давлати фуқаролари чипта сотиб олганлар.

УЕФА мутасаддиларининг билдиришига қараганда, турнирни ўтказиш бўйича регламентга битта тузатиш киритилган. Яъни ушбу баҳсларда учрашувни одатдагидек учта эмас, балки бешта ҳакам бошқариб боради.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# Спортнинг сирли олами




***— Отамга эргашиб спорт залига борганимда, эндигина беш ёшга тўлгандим, — дея эслайди Бухоро Олимпия захиралари коллежи мураббийи Акобир Фармонов. — Машғулотларни кузатар эканман, таэквондочиларга мухлислик қилиб, ўзим ҳам беихтиёр татамига тушиб кетганман. Билсангиз, Олимпиада спорт тури саналган таэквондонинг ўзига яраша жозибаси бор. Тезкорлик, эпчиллик, рақибни бир лаҳза ичида ғафлатда қолдира олиш — буларнинг бари унинг мезони.***

## Ғурур бағишловчи рақамлар

Мамлакатимизда яратилаётган кенг имкониятлар туфайли болалар спорти том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб **35** фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан **31,5** фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

ИНТИЛИШ

# Синовларда шаклланган қатъият

Отаси Барно Фармоновдан таэквондо сирларини ўрганган Акобир мамлакат чемпионати, халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этди. Қора белбоғ соҳиби бўлди. Аммо унинг йўлига жароҳат соя солди. Бир йил спортдан узоқлашишга мажбур бўлди. Даволанди. Шунда илк бор ҳис этди: спортсиз, таэквондосиз ҳаётини тасаввур қила олмас экан. Соғайгач, яна спорт залига ошиқди. Болаларга мураббийлик қила бошлади. Ўшанда у эндигина 17 ёшда эди.

Шу аснода тақдир Акобирни яна бир синовга рўбарў қилди — онаси ҳаётдан эрта кўз юмди. Ана шундай оғир паллада унга спорт таянч бўлди. Спорт туфайли тушкунликни енгиб ўтди. Руҳан чўкмади. Бор кучи, билими, ғайратини машғулотларга қаратди. Спорт унга эртанги кун умиди билан яшашни ўргатди. Бу орада Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида ўқиб, олий маълумотли бўлди.

Акобир болалар билан ишлашни хуш кўради. Уни доимо шогирдлари даврасида учратасиз. Зийрак, синчков, ҳушёр. Шогирдлари қобилиятини юзага чиқаришда ҳам ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришмоқда. Мана, бир мисол. Шогирди Евгения Каримова 2006 йилда Қатарда, 2010 йилда Хитойда ташкил этилган Осиё ўйинларида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Кейинчалик Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Пекинда ташкил этилган ёзги Олимпиадада Евгения ўз вазни тоифасида кучли бешликдан жой олди.

— Рашид Хўжаев, Дилдора Элиева, Зария Қосимова сингари шогирдларимдан ҳам умидим катта, — дейди Акобир. — Дилдора билан Зария ёшлар ўртасида Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони, мамлакат терма жамоаси аъзоларидир...

Акобир Фармонов ҳозир 28 ёшда. Бир фарзанди бор. “Ўғлингиз изингиздан бориб, спортни танлашини истармидингиз?” деган саволимизга у “Албатта, хоҳлайман” дея жавоб берди. Ва қўшиб қўйди: “Бола бўш вақтини кўчада эмас, спорт секцияларида ўтказгани маъқул”. Бу спорт туфайли ҳаётдан ўз ўрнини топган, қийин дамларда спортга суянган инсоннинг юрагидаги гап эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

Фигурали учиш бўйича терма жамоа мураббийси қабулига бир қиз кириб келибди.

— Сиз мени жамоа таркибига олишингиз керак!

— Хўш, нима учун?

— Чунки катта тезликда муз устига саккиз рақамини чиза оламан.

— Буни ҳамма бажара олади.

— Йўқ, сиз тушунмадингиз. Мен Рим рақамларида чизаман.

## Мухлисларни алдамаслигимиз керак




***Хоккей бўйича терма жамоа бош мураббийсининг туғилган куни экан.***

***— Мен учун энг катта совға сизларнинг ғалабангиздир, — дебди у.***

***Шунда ўйинчилар:***

***— Кечикдингиз. Биз сизга бўйинбоғ олиб қўйдик.***

Бўлажак бокс жанги олдидан икки менежер суҳбатлашмоқда.

Биринчиси:

— Иккинчи раунд бошида менинг боксчим сеникини нокаутга учратади. Келишдикми?

Иккинчиси:

— Йўқ, иккинчи раундда эмас, еттинчи ёки саккизинчи раундларда. Мухлисларни алдамаслигимиз керак, ахир.

# Биз билган ва билмаган тафсилотлар

Яшил майдонда кечадиган аёвсиз “жанг”ларда ғолибликка эришган терма жамоага топшириладиган кубок соф кумушдан ясалган бўлиб, баландлиги 60 сантиметр, оғирлиги эса 8 килограммни ташкил қилади. Унинг баҳоси 20 минг еврога тенг.

**Европа чемпионати давомида ўз бағрига энг кўп мухлис сиғдирадиган стадион Киевдаги “Олимпийский” майдонидир. У 70 минг ишқибозни қабул қилиш имкониятига эга. Энг кичкина стадион эса Львовда жойлашган бўлиб, 34 минг томошабинга мўлжалланган.**

**Миллионлар орзиқиб кутаётган футбол бўйича Европа чемпионати илк бор Шарқий Европа ҳудудида ўтказилмоқда.**

Донецкдаги “Донбасс — Арена” стадиони баландлиги 54 метр бўлганлиги учун “Евро — 2012”нинг спорт дурдонаси” мақомини олди.

***Ўқинг, қизиқ!***









*Бундан икки йил аввал Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида “вувузела”лар қулоқларимизни қоматга келтирган бўлса, бу галги Европа чемпионатида “зозулица ҳуштаклари” деган ғаройиб мослама садоси остида ўйинларни кузатамиз.*

**Украина ва Польшада бўладиган учрашувларни бевосита стадионлардан туриб 1,5 миллион мухлис кузатади. Яна 150 миллиондан зиёд ишқибозлар эса телевидение орқали тўғридан-тўғри томоша қилишлари кўзда тутилаяпти.**

***“Евро — 2012” мусобақаларини ўтказишга 6 минг кўнгилли жалб этилди.***

**Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**



**“Евро — 2012” турнири тақвими**

| № | Сана | Соат | Жамоалар | Гуруҳ | Шаҳарлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 8 июнь | 21:00 | Польша — Греция | A | Варшава |
| 2 | 8 июнь | 23:45 | Россия — Чехия | A | Вроцлав |
| 3 | 9 июнь | 21:00 | Нидерландия — Дания | B | Харьков |
| 4 | 9 июнь | 23:45 | Германия — Португалия | B | Львов |
| 5 | 10 июнь | 21:00 | Испания — Италия | C | Гданьск |
| 6 | 10 июнь | 23:45 | Ирландия — Хорватия | C | Познань |
| 7 | 11 июнь | 21:00 | Франция — Англия | D | Донецк |
| 8 | 11 июнь | 23:45 | Украина — Швеция | D | Киев |
| 9 | 12 июнь | 21:00 | Греция — Чехия | A | Вроцлав |
| 10 | 12 июнь | 23:45 | Польша — Россия | A | Варшава |
| 11 | 13 июнь | 21:00 | Дания — Португалия | B | Львов |
| 12 | 13 июнь | 23:45 | Нидерландия — Германия | B | Харьков |
| 13 | 14 июнь | 21:00 | Италия — Хорватия | C | Познань |
| 14 | 14 июнь | 23:45 | Испания — Ирландия | C | Гданьск |
| 15 | 15 июнь | 21:00 | Украина — Франция | D | Донецк |
| 16 | 15 июнь | 23:45 | Швеция — Англия | D | Киев |
| 17 | 16 июнь | 23:45 | Чехия — Польша | A | Вроцлав |
| 18 | 16 июнь | 23:45 | Греция — Россия | A | Варшава |
| 19 | 17 июнь | 23:45 | Португалия — Нидерландия | B | Харьков |
| 20 | 17 июнь | 23:45 | Дания — Германия | B | Львов |
| 21 | 18 июнь | 23:45 | Хорватия — Испания | C | Гданьск |
| 22 | 18 июнь | 23:45 | Италия — Ирландия | C | Познань |
| 23 | 19 июнь | 23:45 | Англия — Украина | D | Донецк |
| 24 | 19 июнь | 23:45 | Швеция — Франция | D | Киев |
| | | | **Чорак финал баҳслари** | | |
| 25 | 21 июнь | 23:45 | “A” гуруҳи ғолиби — “B” гуруҳи 2-ўрин соҳиби | | Варшава |
| 26 | 22 июнь | 23:45 | “B” гуруҳи ғолиби — “A” гуруҳи 2-ўрин соҳиби | | Гданьск |
| 27 | 23 июнь | 23:45 | “C” гуруҳи ғолиби — “D” гуруҳи 2-ўрин соҳиби | | Донецк |
| 28 | 24 июнь | 23:45 | “D” гуруҳи ғолиби — “C” гуруҳи 2-ўрин соҳиби | | Киев |
| | | | **Ярим финал баҳслари** | | |
| 29 | 27 июнь | 23:45 | 25-ўйин ғолиби — 27- ўйин ғолиби | | Донецк |
| 30 | 28 июнь | 23:45 | 26-ўйин ғолиби — 28- ўйин ғолиби | | Варшава |
| | | | **Финал** | | |
| 31 | 1 июль | 23:45 | 29-ўйин ғолиби — 30- ўйин ғолиби | | Киев |

Ўйинларнинг бошланиш соати Тошкент вақти билан кўрсатилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5

# Вояга етмаганлар ҳуқуқлари кафолати

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош прокуратура ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Вояга етмаганлар жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари: миллий тажриба ва жаҳон стандартлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Унда халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссияларнинг масъул котиблари, ҳуқуқшунос олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама кафолатлаш давлат фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Шу маънода, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш асосий вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, соғлиғига эътибор, қолаверса, уларни иш билан таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Алоҳида қайд этиш керакки, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар масъулиятини ошириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик иши сезиларли даражада камайишига эришилмоқда.

Анжуманда мутасадди идоралар томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш зарурлиги таъкидланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.**

Анжуман

*Енгил саноат юртимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир. Мазкур тизим корхоналарида маҳаллий ашёни қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида нафақат ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан бойимоқда, балки улар дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларига экспорт ҳам қилинмоқда.*

# Экспорт салоҳияти

## мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит туфайли тобора ошиб бормоқда

Албатта, тармоқдаги бундай ижобий ўзгаришларга янги тўқимачилик корхоналарини барпо этиш ва мавжудларини модернизациялаш эвазига эришилаяпти.

Кеча пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси томонидан журналистлар учун "Енгил саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар, экспорт сиёсатини такомиллаштиришдаги устувор вазифалар" мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, 2009 — 2011 йиллар мобайнида тармоққа 345,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши ҳисобига 72 та корхона ишга туширилган бўлса, шу вақт ичида маҳсулот экспорти 1,7 баробарга ортди, экспортчи корхоналар сони эса 180 тага етди. Бунда Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Испания, Франция, Италия, Жанубий Корея сингари мамлакатларда тақдимот маросимлари мунтазам ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Шунингдек, корхоналарда 3,5 триллион сўмлик саноат, қарийб 824 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Биргина ўтган йилда 36 турдаги янги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўтган тўрт ой давомида компанияга 54,1 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилгани, бунинг ҳисобига 6 та янги корхона фойдаланишга топширилгани ана шундан далолат беради. Қолаверса, бу йил маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жойларда умумий қиймати 598,2 миллион АҚШ долларилик 82 та лойиҳага биноан, 7445 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Айни пайтда компания тизимида тугалланмаган босқич (ип калава ва газлама)дан тўлиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу эса, ўз навбатида, 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 120 фоиз, экспорт ўсишини 10 фоиз, бозор эҳтиёжини қондиришни 40 фоизга етказишдек эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишига хизмат қилиши муқаррар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Йўловчилар учун қулайлик

Бунёдкорлик

*"Тошкент — Самарқанд — Тошкент" йўналиши бўйлаб ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди ҳадемай йўловчиларни янада тезроқ ўз манзилига етказа бошлайди.*



Гап шундаки, айни пайтда мазкур ҳудуд йўлларини тезюрар поездлар ҳаракатига мослаштириш, йўловчи ташиш самарадорлигини ошириш мақсадида улкан қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Яқинда мазкур йўналишнинг "Янгиер — Жиззах" участкасидаги "Даштобод — Зарбдор" манзилидаги қурилиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда "Afrosiyob" тезюрар поездлари янги бунёд этилган жуфт йўлдан, юк поездлари ҳаракати эса тоқ йўлдан амалга ошириладди.

— Бу орқали "Тошкент — Самарқанд" линиясида "Afrosiyob" поездларининг тезлигини 250 км. соатга етказиш кўзда тутилган, — дейди "Капитал қурилиш" дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Равшан Иноғомов. — Қолаверса, лойиҳада маҳаллий ва транзит юк ҳамда йўловчи поездларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, масофани қисқартириш ҳисобига вақтни тежаш алоҳида белгилаб қўйилган.

Айни кунларда "Тошкент — Самарқанд" линиясида қурилиш-таъмирлаш, янги рельсларни ётқизиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

Навоий томонларда

# Мўл ҳосил гарови

*"Электрокимёзавод" қўшма корхонаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Далброн" дори воситасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

Ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турли зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоялашда кенг фойдаланилади.

Бу дори воситаси, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, ҳосилдорликни оширишга ҳам хизмат қилади. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида корхона томонидан 1,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги буюртмачиларга етказиб берилди.

# Тадбиркор аёлнинг бизнес режаси

*Хатирчи туманилик тадбиркор Муҳаббат Одилова "Хатирчи ипаги" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди.*

Ишбилармон аёлнинг бизнес лойиҳаси банк томонидан қўллаб-қувватланиб, унга 45 миллион сўм кредит ажратилди. Мазкур маблағга қисқа фурсатда илғор тикув дастгоҳлари харид қилиниб, 10 нафарга яқин қишлоқ чеварлари ишга жалб этилди. Ҳозир бу ерда болалар либослари, замонавий пардалар тайёрланаяпти.

— Шу даврга қадар биржа савдолари орқали 66 миллион сўмлик маҳсулотимиз сотилди, — дейди М. Одилова. — Яқинда мактаб ўқувчилари учун махсус либослар тикиш учун буюртма олиб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Келажак овози – 2012»

## республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди

Ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ўғил-қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида "Фонд Форум" ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур беллашувда бу гал 3500 нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашди.

Танлов

Қувонарлиси, 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови шу пайтга қадар 390 минг нафардан зиёд ёшларни қамраб олди. Муҳими, мазкур йирик лойиҳа иқтидорли ёшларнинг билими, салоҳият ва қобилиятини юзага чиқариш билан бир қаторда, келгусидаги ижодий интилишларига қанот бўлаётир. Айнан шу боис кўрикда қатнашиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бу гал "Келажак овози" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида 1086 нафар истеъдод соҳиблари ўзаро беллашишди. Мазкур тадбирлар Ёшлар ижод саройида, шунингдек, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўтказилди.

Тадбирда ғолиб деб топилган ёшлар беллашувнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Муборак ОХУНОВА.**

# Замин бағридаги жавоҳир

*Заминимиз турли ноёб қазилмалар, нодир маъданларга бой. Мутахассисларнинг эътирофича, бу ерда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар учрайди. Шу боис уларни излаб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш мамлакатимиз саноатининг муҳим тармоғига айланиб бормоқда.*

Жараён

Ана шундай камёб хом ашёлардан бири вермикулит бўлиб, у овоз ўтказмаслик, ҳароратни сақлаш, ўтга чидамлилик каби хусусиятларга эга. Шу боис саноатда мазкур хом ашёга талаб ниҳоятда катта. У ҳозир Қорақалпоғистон заминидаги Қоратоғ тизмалари бағридан қазиб олинаяпти.

"Қорақалпоқ Верми" шўъба корхонаси ана шу моддани қазиб олиш, қайта ишлаш ва буюртмачиларга етказиб бериш билан шуғулланади. "Верми Изол" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган мазкур корхонанинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

— Маҳаллийлаштириш дастури фаолиятимизни йўлга қўйишда муҳим омил бўлди, — дейди корхона директори Алишер Багиров. — Натижада хориж технологияларини олиб келиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бир қатор имтиёзларга эга бўлдик. Шу асосда тоғ ёнбағрида ихчам завод қуриб, 20 кишини иш билан таъминладик. Улар ўз мутахассисликлари бўйича қайта тайёргарликдан ўтишди.

Хом ашё корхонага 10 километр олисдан, Қоратоғдан қазиб келтирилади. Бунинг учун замонавий юклаш ва ташиш техникалари ишлаб турибди. Келтирилган қазилма илғор технологиялар орқали сараланади. Ишлаб чиқаришдаги ушбу муҳим жараёнлар бош механик Алишер Матёқубов бошчилигидаги малакали мутахассислар томонидан амалга ошириладди. Сифатига кўра уч турга ажратилган маҳсулот махсус қопларга жойлаштирилиб, буюртмачиларга жўнатилади. Ўтган йили корхонада 1200 тонна вермикулит ишлаб чиқарилиб, шундан 220 минг АҚШ долларилик қисми хорижга сотилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида 82 тонна маҳсулот ички ва ташқи бозорга чиқарилди.

Айни пайтда жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳаракатида. Бунинг учун илғор ва тежамкор технологияларни жорий қилиш кўзда тутилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# Ташаббус самараси

*Бир қути ипак қурти уруғини боқиш учун қанча меҳнат ва қанча жой зарурлигини бу жараённи бошдан ўтказган одамгина билади.*

Ибрат

Ғиждувон туманидаги "Ғовшун" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Гулмира Нарзиева эса ўз оиласи, қариндош-уруғлари билан биргаликда мавсумда 16,5 қути ипак қуртини парвариш қилиш ташаббуси билан чиқди. У аъзо бўлган "Мирраҳмат Тўлқин" кўп тармоқли фермер хўжалиги жамоаси ва қишлоқдошлар ҳам кўмакка отланди.

— Бугунги фаровон ва осуда кунларимиз қадрига етишимиз керак, — дейди Гулмира опа. — Президентимизга минг раҳмат. Йўлларимиз равон, қишлоқларимиз обод. Сувимиз мўл-кўл. Бири-биридан кўркам уй-жойлар қурилаяпти. Болаларимиз кўрса ҳавас қилгудек мактабу коллежларда ўқишаяпти. Уларнинг эртасидан кўнглимиз тўқ. Шунча ғамхўрликларга жавобан хайрли ишлар этагидан тутишимиз керак-да, ахир. Қолаверса, ипак қурти боқиб кам бўлаётганимиз йўқ. Мавсум якунида қўлимиз анча-мунча пул кўрди. Орзу-ниятларимиз ушалаяпти.

Гулмира опанинг сўзларида зиғирча муболаға йўқ. Фермер хўжалиги аъзоларининг топганлари тўйларга, яхши кунларга буюраяпти. Хўжаликнинг эллик гектар майдондаги ғалласига бугун-эрта ўроқ тушади. Қирқ гектар ердаги ғўза парвариши рисоладагидек олиб борилаяпти. Тиниб-тинчимас фермер Исоқул Ўриновнинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган ғишт заводи ҳамда металлни қайта ишлаш цехида ҳам иш авжида. Хўжаликда жами 65 киши меҳнат қилиб, рўзғорини бут, турмушини фаровон этаяпти.

Пиллачи Гулмира Нарзиевага келсак, унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари билан қилган ҳалол меҳнати куни кеча ўз самарасини берди. Ташаббускор аёл қабул пунктига бир тоннадан зиёд "кумуш тола" топшириб, шартнома режасини ошириб бажарди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий мавсумда бухоролик ипак тола усталари 100 тоннадан ортиқ пилла етиштиришга муваффақ бўлдилар.

**И. ИСТАМОВ.**

# Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан юртимизда боғдорчилик ҳамда узумчиликни ривожлантириш, янги боғ ва токзорларга интенсив технологияларни жорий қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларига бағишланган илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, олим ҳамда мутахассислар қатнашди.*

Парламент ҳаёти

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида кенг кўламли қулайликлар, имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани туфайли қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, боғдорчилик ва узумчилик жадал ривожланмоқда. Шубҳасиз, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ҳамда ташкилий пойдевор ташкил этилгани жабҳадаги самарадорлик омили бўлаётир. Хусусан, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари ижроси республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондиришга хизмат қилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда муҳим босқични бошлаб берди, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи З. Ортиқов. — Боиси, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга асосан, пахта экиладиган ҳудудлар ўтган йилларда 75,8 минг, 2012 йилда эса қарийб 30 минг гектарга қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари кенгайтирилди. Айни чоғда Тошкент ва Самарқанд вилоятларида тўлиқ мева-сабзавотчилик ҳамда узум маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослаштирилган хўжаликлар фаолият юритмоқда. Мазкур тармоқларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида республиканинг барча тоифадаги хўжаликларидан етказиб берилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг 49 фоизи фермер хўжаликлари ва 51 фоизи аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Семинарда кейинги йилларда боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнлари ҳам такомиллашиб бораётганига алоҳида урғу берилди. Жумладан, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, корхоналар ва тадбиркорлар томонидан минитехнологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Натижада қайта ишланган маҳсулотлар ҳажми сўнгги беш йилда қарийб 5 баробар кўпайди.

Албатта, бунда ҳар йили турли кўргазма ҳамда ярмаркалар анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани, уларда ишбилармонлар ўзлари учун керакли асбоб-ускуналар, жиҳозларни арзон ҳамда кафолатли нархларда харид қилишаётгани айни муддао бўлаётир. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида юртимизда 120 минг тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сақланадиган замонавий музлаткич-омборхоналар қуриш белгилаб олинди.

Тадбирда соҳада фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш, инновацияларни жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Олимларимиз томонидан сўнгги йилларда ҳар хил муддатларда пишадиган юқори сифатли, ҳосилдор, касалликларга чидамли мева ва узумнинг 24 та янги нави яратилиб, Давлат реестрига киритилди, — деди Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари Р. Абдуллаев. — Ўз навбатида, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, илмий асосланган, тажрибада синалган, қурғоқчилик, ҳар хил зараркунанда ва касалликларга чидамли, ҳар бир ҳудудга мослашган, юқори ҳосилли навларни яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилишда 2012 йилга келиб республика бўйича интенсив боғлар майдони 5,1 минг гектарга етказилгани, бундан ташқари, янги боғлар ва токзорлар барпо этилгани, ярокcизлари қайта реконструкция қилингани айтиб ўтилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари ўз фикрларини билдирдилар.

Семинарда кўриб чиқилган мавзу бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

Изланиш

*Термиз шаҳридаги "Термиз агрохизматчи" масъулияти чекланган жамиятида шлакоблок ва йўлак қопламалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.*

# Илғор технология асосида

— Молия муассасасининг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига ушбу лойиҳани рўёбга чиқардик, — дейди тадбиркор Дилмурод Хўжамқулов. — Хориждан келтирилган тежамкор технологияларимизнинг иш самарадорлиги юқори. Қисқа фурсатда маҳаллий ёшлардан ўн нафари бу дастгоҳларни бошқаришни ўрганиб олишди. Маҳсулотларимиз сифати ва нархи эса буюртмачиларга маъқул. Шу боис улар омборда туриб қолмаяпти. Ўтган қисқа фурсатда 400 миллион сўмлик қурилиш ашёлари тайёрлашга улгурдик.

**Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**